

## Хулосалар

*Ўтлоқи-бўз, кучсиз шўрланган ерларда кузги бугдой етиштириши бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди:*

1. *Кузги бугдойни пуштага экиш натижасида тупроқнинг сув-физик хоссалари яхшиланди. Назорат вариантыда тупроқнинг зичлиги ўсиш даврининг охирида 0-50 см қатламда  $1.43 \text{ г/см}^3$  бўлган бўлса, пуштага экилган вариантда эса нисбатан паст бўлиб,  $1.40-1.41 \text{ г/см}^3$  ни ташиқил қилди.*
2. *Кузги бугдой ҳосилдорлиги анъанавий экиш тартибида 60 ц/га дан иборат бўлган бўлса, пуштага экиш тартибида 64.4 ц/га (4.4 ц/га юқори – 8.3%), ўсимликлар қолдиги билан мўльчланган ва пуштага экилганда эса 68.5 ц/га (8.5 ц/га юқори – 14.2%) ни ташиқил қилди.*
3. *Экиш агрегатининг бир марта ўтиши натижасида бир нечта агротехник тадбирларни биргаликда бажарилгани кузги бугдойни жадал пуштага экиш самарадорлигини оширди.*

Қурғоқчил минтакаларда қишлоқ хўжалик илмий тадқиқотлари марказининг Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари учун минтакавий ваколатхонаси, П/Қ 4564, Тошкент, 700000, Ўзбекистон

Тел: (998-71) 237-21-30/237-21-69;  
Факс: (998-71) 120-71-25;

## КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ПУШТАГА ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



Осиё Тараққиёт Банки



Қурғоқчил минтакаларда қишлоқ хўжалик илмий тадқиқотлари маркази

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот Институтини

Тошкент – 2008

## Кузги бугдойнинг пуштага экиш технологияси

Ўзбекистон Республикасида кузги бугдой ҳар йили 1 млн. гектардан ортиқ майдонларга экиб келинмоқда. 2007 йил бўйича бугдой ҳосили гектарига 48 центнердан ошди. Кузги бугдой экиладиган майдоннинг ярмига шудгорлаб экиш амалга оширилмоқда. Сугориладиган майдонларда кузги бугдой етиштириши агротехникасида шудгорлаш ва ерни экишга тайёрлаш ҳамда экиш тадбирлари ўтказилиб, кейин эгат олинади. Бунда экилган уруғ қалин тупроқ билан чуқур қўмилади. Натيجидада уруғ тўлиқ униб чиқмайди, бундан ташқари дала бўйлаб трактор турли агрегатлар билан икки марта юриб, ерни зичлайди, шунингдек, чуқур эгат олиш натижасида катта кесаклар пайдо бўлади.

Хиндистоннинг қайта экишга қўзланган "Дасмеш" маркали сеялкаси бирданига 3 та технологик жараённи бажаришига мўлжалланган: 90 см кенликда пушта олиш, эгат очилиши ва пуштага уруғни экиш (1-расм). Бу маркали сеялкада экин билан бирга минерал ўғитларни солиш ҳам имконияти мавжуд.



Бу сеялка гилдиракли ёки занжирли тракторларга тиркалаб ишлатилганда ҳар бир пушчага тўрт қатор экилади. Ушбу сеялкани ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, бундай экиш тизимида юқори дон ҳосилини олиш имконияти аниқланди. Шунингдек, сеялка билан минерал

ўғитларни маълум тупроқ чуқурлигига солиш туфайли бугдойнинг дастлабки ўсиш фазасида ўғитлардан фойдаланиш даражаси юқори бўлади.

Бу сеялкадан фойдаланиш бўйича биринчи тажриба Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Эсонбой ота" фермер хўжалигида олиб борилди. Тажриба майдонининг тупроғи ўтлоқи-бўз, енгил таркибли, кучсиз шўрланган. Тажриба майдонида кузги бугдойни 3 тартибда экиш ўрганилди:

1. Назорат – анъанавий, минтақа учун қабул қилинган усул - майдонга экиб, эгат олиш;
2. 90 см пуштага экиш;
3. Ўсимликлар қолдиги билан мўльчланган пуштага экиш;

Тажриба даласига "ЮЖ-12" кузги бугдой нави экилди. Бугдойнинг ўсиш даврида 530 кг/га аммиак селитраси ва 100 кг/га аммофос ўғитлари берилди. Мавсумий сугориш меъёри 5000 м<sup>3</sup>/га ни ташиқил қилди. Кузги бугдой етиштириши агротехникаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал  
Агротехник тадбирлар ва уларни ўтказилиш мuddатлари

№	Тадбирлар	Ўтказилиш мuddатлари
1.	Шудгор	20.08.2007
2.	Шўр ювиши	08.09.2007
3.	Боронлаш	16-24.09.2007
4.	Текислаш	20.09.2007
5.	Экиш	26.09.2007
6.	Сугориш	27.09.2007, 12.11.2007; 20.03.2008, 07.04.2008
7.	Ўғитлаш	10.11.2007; 07.03.2008; 07.04.2008
8.	Бегона ўтларга қарши гербицид сепиши	02.04.2008
9.	Қўлда юлиб чиқиши	12.05.2008
10.	Ўрим	30.06.2008

2-жадвал  
Кузги бугдойнинг ўсиши ва ривожланиши

Вариант рақами	Бўйи, см			1 туп ўсимлик дағли ноҳлар сон	1 м <sup>2</sup> дағли ноҳлар сон	1 м <sup>2</sup> дағли боғоқчи ноҳлар сон	Биологик ҳосилдорлик
	01.04.2008	01.05.2008	01.06.2008				
1	67.3	88.4	115	482	28.7	1.25	60.0
2	69.1	92.8	117	460	30.6	1.40	64.4
3	71.3	93.1	120	467	32.0	1.45	68.5



3-жадвал  
Агроиқтисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	1-вариант Анъанавий экиш	2-вариант Пуштага экиш	3-вариант Ўсимликлар қолдиги билан мўльчланган пуштага экиш
Дон ҳосилдорлиги, ц/га	60	64.4	68.5
Фойда, сум/га	105966	231806	210941